

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жон ҳақиқатидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилар бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг қўлдан ислохотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар – аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улуг, энг азиз айём, эркин, овод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан қутиб олиш, бу қутлуг санани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилобларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **“Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!”** деган бош гоани ўсида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Ушбу дастурда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”** Давлат дастури, **“Овд қишлоқ”, “Овд маҳалла”, “Хар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Беш ижобий ташаббус”** каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг маъно-мазмунини ва руҳи мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

Айниқса, охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлилар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатлаamlари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таникли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

Бу тадбирларни ташкил этишда мамлакатимизни модернизация қилиш, турли соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмийчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз пойтахти, вилоят ва туманларида қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна расомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолининг тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарларини учун **“Ягонасан, муқаддас Ватан!”** республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда **“Энг улуг, энг азиз”, “Ранглар жилосида – она диёр”, “Ватан учун яшайлик!”** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳоимийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 июль

Халқ билан мулоқот



Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов ҳудудлар бўйлаб навбатдаги сайёр қабулларини давом эттирмоқда.

Оммавий сайёр қабулларда вилоят бошқарма ва ташкилотлари, тегишли ҳудуд сектор раҳбарлари, мурожаатчи фуқаролар иштирок этишмоқда.

Қабулда фуқароларнинг тадбиркорлики ривожлантириш, бандлик, электр энергияси таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш, ички йўллари таъмирлаш, тоза ичимлик суви, уй-жой, тиббий хизмат, моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ мурожаатлари тингланиб, имкон ва қонун доирасида жойида ҳал этилмоқда.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ҲУДУДЛАР БЎЙЛАБ САЙЁР ҚАБУЛЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хусусан, Зангиота туманида ўтган қабулда мурожаатларнинг аксари жойида ечим топди.

Хусусан, “Эски қалъа” маҳалласи фаолларининг электр энергияси билан боғлиқ мурожаатини ҳал этиш юзасидан зарур вазифалар белгиланди.

Зангиота зиёратгоҳи кенгайиши ҳисобиغا 2004 йилда бизга уй-жой учун мана шу маҳалладан ер берилган, – дейди “Эски қалъа” маҳалла фуқаролар йиғини, Мардона 3-тор кўчаси, 57-уйда истиқомат қилувчи Дилором Тожибоева. – 14 та уй, шу жумладан, бизнинг уй ҳам маҳалла ҳудудидан ўтувчи ўта юқори босимли электр тармоғининг пастки қисмида жойлашган. Ўша пайтлар бизга ушбу электр тармоғи тез орада бошқа жойга кўчирилади, дейишган эди. Орадан 15 йил ўтса ҳамки,



электр тармоғи кўчирилмади. Бу йил эрта баҳорда ушбу электр тармоғининг сими узилиб, уйимиз томини куйдирди. Уйим ёниб кетишига бир баҳа қолди. Шунақа воқеа ва эҳтимолнинг пастки қисмида жойлашган. Ўша пайтлар бизга ушбу электр тармоғи тез орада бошқа жойга кўчирилади, дейишган эди. Орадан 15 йил ўтса ҳамки,

урожаат қилган эдик, муаммоимизни ҳал қилиш бўйича мутасадди раҳбарларга аниқ муддати билан зарур топшириқлар берди. Сайёр қабулда маълум вақт талаб этиладиган мурожаатлар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Худди шундай сайёр қабуллар Тошкент, Қиррай,

Юқори Чирчик туманларида ҳам ўтказилди. Уларда 100 дан зиёд фуқароларнинг мурожаатлари тингланиб, аксарияти жойида ҳал этилди. Маълум вақт талаб этиладиган мурожаатлар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ўз мухбиримиз
Мансур ХИММАТОВ ва
Шерзод ҚОБУЛОВ
олган суратлар

Яхши хабар

Тошкент давлат аграр университети Кийлоқ ҳўжалиқида инновацион ишланмалар ва маспахот маркази ҳудудида Хитой Халқ Республикасининг “Shuntong Agriculture Company” компанияси ҳамда “Ипотека” АТБ билан ҳам-

корликда қиймати 300 минг долларга тенг балиқларни кўпайтириш, урчишти бўйича замонавий техника ва технологиялар асосида “Балиқчилик илмий маркази”нинг очилиш маросими ўтказилди.

2

БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим мактаблари орқали ягона мактаб формаси савдосини ташкил этиш тақиқланганлиги ҳақида эслатиб ўтди, дея хабар қилади ЎЗА.

ДИРЕКТОРЛАРГА ТАҚИҚЛАНАДИ



Вазирлик ахборот хизмати хабарида қайд этилишича, директорларнинг ягона мактаб формаси савдосини ёки бошқа бичимдаги формаларни марказлашган ҳолда жорий этишни ташкил этиш тақиқланади. Мактаб формалари савдоси махсус савдо шахобчалари орқали ташкил этилади.

Ягона мактаб формаси 2019/2020 ўқув йилидан эмас, балки 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб жорий этилади.

2024/2025 ўқув йилига қадар ўқувчилар мактабларга ягона мактаб формасида келишлари ихтиёрий бўлади. Шунинг таъкидлаш лозимки, “Ўзбекистон Республикаси” уюшмаси ҳудудлар кесимида ўқувчилар учун мактаб формалари ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатини эълон қилган. Ота-оналар формаларни улардан сотиб олишлари мумкин.

Зангиота тумани ҳокимлиги эътиборига



Гоҳида ишимиз юришмай қолса, ҳаёт ташвишларидан нолиб, тақдирдан норози бўламиз. Ўзимизни бахтсиз ҳис этамиз. Бу аҳволга тушганимизнинг сабабини излаб, ҳар хил баҳоналар тўқиймиз. “Мен бундай синовга лойиқ эмас-

«БИР ШОИР ЁТИБДИ ДЕНГ, ХУДОНИНГ ҲОВЛИСИДА...»

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ҳеч қачон ўз тақдирдан нолимайди. Гарчи оғир дард бир умр елкасини босиб турса-да, дунёда борлигига шукр қилади. Курашади, ўз ўрнини топишга

интилади. Соҳиб Камол ана шундай инсонлардан. Унинг кўзлари кўрмайди. Лекин, ҳаёт фалсафасини унча-мунча кўзи очик инсонга қараганда чуқурроқ англайди, мушоҳада қилади. Аҳолини рўқач

қан, дея ўзимизни оқлаб ҳам қўямиз. Лекин, шундай пайтларда тўрт мучамиз соғлиги, оиламиз, фарзандларимиз тинч-хотиржамлиги ҳақида фикрламаймиз. Бунга шукр қилмаймиз. Шоир Соҳиб Камолнинг маънавий шароитини кўриб, дилимиздан шу ўйлар ўтди.

қилиб, мутасаддиларнинг эшигида сарғайиб, ёрдам сўраб юрмайди. Бунинг ўзи оғир билади. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган эзгу гоя кун-

далик ҳаётимизга татбиқ қилинган, мамлакатимизда том маънода янги давр бошланди. Йиллаб бир жойда қотиб қолган бир қатор муаммолар ўз ечимини топди.

2

"Тошкент вилоятида аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаган. Хусусан, Бўка, Бекобод, Оққўр-

ўрганишлар натижасига кўра, вилоятда жами 868,000 та хонадон ҳамда 51,600 та турли корхона ва муассасалар мавжуд.

нидаги "Юксалиш" оқова сув тармоқлари аварияли ҳолатга келиб қолганлиги сабабли улар-да оқова сувларни тозалаш ме-

ханизмлари умуман мавжуд эмас. Бунинг оқибатида ундан чиқаётган оқова сувлар биологик ва кимёвий тозалашдан ўтмай туриб

Изза каналига оқизилмоқда.

Вилоятда доимий рўйхатдан ўтган умумий аҳоли сони 2,8 миллиондан ортиқ. Шунга қарамай, 2,3 миллиондан ортиқ аҳоли вакиллари ёҳуд 86 фоиз вилоят фуқаролари оқова сув тармоғига уланмаган.

Президент фармонида кўра, сув таъминоти ва канализация объектларини замонавийлаштириш ва таъмирлаш, мазкур соҳа фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқарувни таъминлаш Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Аммо вазирлик ҳам ўз вазифаларини етарли уддалай олмади.

"Вазирлик Президент қароридан белгиланган Янгийўл, Чиноз ва Бўстонлик туманларида оқова сув қувурларини реконструкция қилишга доир тадбирларни кўрсатилган муддатларда бажармаган", дея сенаторнинг сўзларини келтиради kun.uz.

Сенатор ҳисоботи:

фон, Қуйи Чирчиқ туманларида ҳозиргача марказлашган сув оқова тизимлари мавжуд эмас", — дея таъкидлайди сенатор, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тоҳиев. У бу ҳақда қўмитанинг 2019 йил биринчи ярмидаги фаолият якунлари бўйича ҳисобот брифингида тўхталиб ўтди.

«Аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизмат талабга жавоб бермайди...»

Аммо марказлашган оқова сув тизимида фақатгина 147,133 та (16 фоиз) абонент уланган ҳолос.

Қолган 772,467 та хонадон ва ташкилот талабга жавоб бермайдиган ўралардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда.

Нурафшон шаҳри марказига яқин ҳудудда жойлашган "Чигир-риқ" ҳамда Қуйи Чирчиқ туман-



Жараён

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг қўйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш, "Жиноят ҳақиқати ва адолати", "Қонун ва адолат — устувор, жиноятга жазо муқаррар" тамойилларини қатор топтириш кўп жиҳатдан соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини оширишга боғлиқ.

Ўқув йиғинлари 5 ташаббус асосида олиб борилмоқда

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1-17 июль кўнлари институти томонидан Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги туман ва шаҳар ички ишлар органларининг жиноят-қидирув бўлимлари бошлиқлари, хавфсиз туризмни таъминлаш хизмати, навбатчилик қисмлари ходимлари, профилактика инспекторлари учун малака ошириш сайёр ўқув йиғинлари ўтказилмоқда.

Ўқув йиғинларида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ички ишлар органлари фаолиятига оид долзарб вазифалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига, соҳага оид қабул қилинган янги норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг талаблари билан таништириш, улар асосида хизмат фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Машғулотлар мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар идоралари фаолиятидаги илғор тажрибалар билан таништирилди. Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ҳамда уни амалга ошириш йўл-йўриқлари тизим ходимларига чуқур ўргатилади.



Бошланғич 1-бета

даёқ адабиётга, шеърятга бўлган қизиқиши уни Тошкент давлат университетида етаклаб келган.

Олий ўқув юртини тамомлагач, она дёри сурхонга қайтган. Ун йиллар чамаси шу ерда яшаган. Лекин ижодга, шеърятга бўлган меҳр-муҳаббати уни яна пойтахтга етаклаган.

МФЙдан пулимизга яраша кичкинагина уй сотиб олди, — дейди Соҳиб Камол. — Ўша кезларда уйнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ эди. Аввалги эгаси уйни сотаётган вақтда барча ҳужжатларни расмийлаштириб беришни ваъда қилган эди. Лекин, бир оз фурсатдан сўнг у оламдан ўтди. Хуллас, уйнинг ҳужжатини тўғрилай олмадим. Шу вақтгача мазкур

Пойтахтдаги ҳаёти ва ижоди давомида "505 исм маъноси", "Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик", "Сенсиз баҳор қулмайди" ҳамда "Тафаккур чашмаси" каби шеърини тўпламларини нашр эттирган.

Бир қатор шеърлари элимининг ардоқли санъаткорлари томонидан қўшиқ қилинган. "Мархабо" (Равшан Комилов), "Замирам" (Авазбек Олимов), "Ношукр" (Нилуфар Саидова), "Дўстим агар

«БИР ШОИР ЁТИБДИ ДЕНГ, ХУДОНИНГ ҲОВЛИСИДА...»

ёнимда бўлса", "Гулоийм" (Ғулумжон Ёқубов), "Биёбиё", "Қуёро рафта" (Озодбек Назарбеков) кабилар шулар жумласидан.

Шу инсоннинг бугун бошига ташвиш тушган, ёрдамга муҳтож. Тақдир уни бугун яна бир синамоқда.

— Бундан тўққиз йил илгари Зангиота тумани, "Бозор"

Саломатлик

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ҳамда Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида "Соғлом ҳаётга қадам ташла" шиори остида оммавий спорт тадбирлари ташкил этилди.

СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ ҚАДАМ

Чирчиқдаги "Кимёгар" истироҳат боғида ўтказилган тадбирда шаҳардаги қатор ташкилот мутасаддилари, спорт мактаби мураббий ва ўқувчилари, тиббиёт муассасалари ходимлари, курсантлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Эрталабки бадантарбия билан бошланган тадбир, 5 километр масофага фаол юриш ва гимнастрада машқларини бажариш ҳамда турли хил кўнгилочар дастурларга уланиб кетди.

— Фаол юриш жуда фойдали бўлиб, у юрак қон-томир касалликлари, инсульт, хавфли ўсмалар, нафас олиш аъзоларининг сурункали хасталиклари ва қандли диабет каби касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади, — дейди Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Гулнора Тўхтаназарова. — Муҳими, юриш барча спорт турлари орасида энг осони ва қулайдир. Бунинг учун кўп энергия сарфлашнинг ҳолати йўқ, ижобий таъсири эса жуда юқори. Шунингдек, енгил гимнастика машқлари-



ни бажариб туришнинг саломатликка фойдаси катта. Унда, мушак тизими мустаҳкамланиб, бўғимлар ҳаракати яхшиланади. Соғломлаштирувчи таъсир кучига эга машқлар туфайли қомат тик ва тўғри ривожланади.

Тадбир доирасида "Саломатлик майдончаси" ва "Соғлом овқатланиш ярмаркаси" ҳам ташкил қилинди. Унда малакали мутахассислар томонидан инфекцион касалликлар профилактикаси, соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллиқнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, шаҳар маданият бўлими хонандаларининг музикаий чиқишлари барчага яхши кайфият улашди.

Ўз мухбиримиз

хонадонда уч нафар фарзандим билан ҳеч қандай ҳужжатсиз яшаб келмоқдам.

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан ноқонуний қурилган ва ҳеч қандай ҳужжати йўқ уй-жойларни расмийлаштириш учун бир марталик акция эълон қилинганидан хабар топиб, Зангиота туманидаги давлат хизматлари марказига мурожаат қилдим. Шароитимни тушунтирдим. Белгиланган тўловларни тўладим. Аммо, биз олган уй қамоқхона ёнида бўлганлиги боис ҳокимиятдагилар ўша муассаса раҳбаридан розилик хати олиб келишимни талаб қилишди.



ёрдам бермаган. Хуллас, ўз кунимизни ўзимиз кўриб келаямиз.

учун, уларнинг бугунидан рози бўлиб яшаши учун эканлигини бот-бот такрорлайди. Ҳар бир раҳбардан, аввало, фуқароларни рози қилишни, чиқарилаётган қарор ва қонунлар

чорларга ёрдам қўлини чўзиш каби қон-қонимизга сингиб кетган олижаноблигимиз қайда қолди?

У мутасаддилардан ош-нон ёки бошқа бошпана сўраётгани йўқ. Фақат шу ғарибгина "қошона"сининг ҳужжатларини тўғриласа ёрдам сўраётгани, холос. Ваҳоланки, камтарин бир ижодкорга ҳиммат кўрсатиб, ногиронлар учун қурилатган уй-жойлардан ажратиб берса, Зангиота ҳокимиятининг асақаси кетмасди...

Дарвоқе, айна пайтда у тадбиркорларга берилган имкониятлардан фойдаланиб, бу жабада ҳам омадини синаб кўрмоқчи. Шу ҳолида 20 та қуён парварилмоқда. Бу ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Зеро, бугун гарчи тўрт мучаси соғ, тоғни урса, тоққон қилгудек келбати бўлса-да, давлатдан умидвор, амалдорлар қабулларидан ҳамиша ҳозир нозир боқимандалар Соҳиб Камолдан ўрнат олсалар ёмон бўлмасди...

Ҳаётда ҳар кимнинг бошига ҳар хил синволлар тушиши табиий. Ана шу синволларга дош бериш, уларни мардондор енгиб ўтиш учун инсонга метиндек ирода керак бўлади. Бу инсонда ана ўша метин ирода мужассам. Лекин, ҳар ҳолда у ҳам инсон. Шу давлатнинг фуқароси. Қолаверса, ижодкор — кўнгил кишиси... Отасининг этагидан тутиб, эркаклик қилаётган, шўхликлари ўзига ярашиб турган, дунёнинг бешафқат синовларидан беҳабар жўжабирдай жонлар барча шароитларга эга ўйларда яшагача ҳақли, назаримизда.

Зангиота тумани ҳокимлиги мутасаддиларидан мазкур масалага муносабат кутиб қоламиз. Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири

Реклама ва эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Тошкент вилоятида 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб давлат активлари ва кўчмас мулк объектларини сотиш фақат "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдолар орқали амалга оширишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 1 (бир) сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажариш шарти билан сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
					Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестицияни бажариш муддати	Объектда яратилган янги иш ўринлари сони
Ангрен шаҳри								
1	1	Қурилиши тугалланмаган лицей биноси	Ангрен ш. "Геолог" МФЙ	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Савдо ва маиший хизмат	500	12 ой	5
2	2	"Сухбат" чойхонаси	Ангрен ш. "Обод" МФЙ	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Савдо ва маиший хизмат	500	12 ой	5
3	3	Собиқ дўкон биноси	Ангрен ш. "Соғлом" МФЙ, Соғлом кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Тикувчилик пехи	800	12 ой	40
4	4	Собиқ бозорча биноси	Ангрен ш. "Ешлик" МФЙ, 5/4 даҳа	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	2000	12 ой	50
5	5	Собиқ 4-сонли боғча биноси	Ангрен ш. Красногорск ш. "Файзобод" МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 88-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Тикувчилик пехи	500	12 ой	30
6	6	Собиқ магазин ўрнидаги 2 қаватли уйнинг подвал қисми	Ангрен ш. Красногорск ш. "Файзобод" МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 68-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Савдо-сотик	200	12 ой	4
7	7	Собиқ магазин ўрнидаги 2 қаватли уйнинг подвал қисми	Ангрен ш. Красногорск ш. "Файзобод" МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 70-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Савдо-сотик	300	12 ой	6
8	8	Собиқ магазин ўрнидаги 2 қаватли уйнинг подвал қисми	Ангрен ш. Красногорск ш. "Файзобод" МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 78-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Савдо ва маиший хизмат	500	12 ой	5
9	9	Собиқ кон бошқармаси бухгалтерия биноси	Ангрен ш. Красногорск ш. "Файзобод" МФЙ, Нодира кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Савдо ва маиший хизмат	500	12 ой	5
10	10	Собиқ геология қилирув экспедиция қорхонаси биноси	Ангрен ш. Красногорск ш. "Файзобод" МФЙ, Сой бўйи кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Тикувчилик пехи	800	12 ой	40
11	11	Собиқ маҳалла идораси	Ангрен ш. "Хаккарман", "Янги жигаристон" МФЙ, Хаккарман кўчаси, 29-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	2000	12 ой	50
12	12	Собиқ поликлиника биносининг қисми	Ангрен ш. "Нурчи" МФЙ, Бунёкдор кўчаси, 20-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Тикувчилик пехи	500	12 ой	30
13	13	Собиқ поликлиника биносининг қисми	Ангрен ш. "Нурчи" МФЙ, Бунёкдор кўчаси, 20-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Савдо-сотик	200	12 ой	4
Бекобод тумани								
14	1	Молхона бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Ешлик 2" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	4500	20 ой	40
15	2	Шийтон бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Ешлик 2" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	800	12 ой	10
16	3	Эски меҳмонхона бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Пахтакор" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	500	12 ой	4
17	4	Автомобиллар таъмирлаш устанонаси бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Тулистон" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	200	12 ой	4
18	5	Эски клуб биноси	Бекобод тумани, "Дехқонбод" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	200	12 ой	4
19	6	Собиқ Фарҳод жамоа ҳўжалиги оғирхонаси бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Бирдамлик" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	500	12 ой	6
20	7	Молхона бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Қушчи" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	300	12 ой	8
21	8	Эски клуб бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Қолғонсир" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	500	12 ой	10
22	9	Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар	Бекобод тумани, "Уяс" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	110	18 ой	3
23	10	Нотураржой бино	Бекобод тумани, "Ачамайли" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	100	10 ой	2
24	11	Бостирма бино-иншоотлар	Бекобод тумани, "Янгиовул" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	70	18 ой	2
25	12	Идора бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Ўрикзор" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	200	12 ой	4
Қуйи Чирчиқ тумани								
26	1	Нотураржой бино	Қуйи Чирчиқ тумани, "Тинчлик" МФЙ	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	200	12 ой	5
Оҳангарон тумани								
27	1	Нотураржой бино	"Ойбулок" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	200	12 ой	3
28	2	Собиқ клуб биноси	"Қизилой" МФЙ, Тинчлик кўчаси	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	180	12 ой	3
29	3	Оғирхона	"Янги ҳаёт" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	70	12 ой	4
30	4	Сартарошхона биноси	"Қузон" МФЙ, Шифохорлар кўчаси, 20-уй	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	30	12 ой	2
31	5	Собиқ ошхона	"Марказий қўрғон" МФЙ, Мустақиллик кўчаси	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	300	12 ой	10
32	6	Собиқ маҳалла идораси	"Чинор" МФЙ, Чинор кўчаси	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	140	12 ой	3
33	7	Собиқ МТП СУ	"Сусам" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	300	12 ой	8
34	8	Ёнгинга қарши курашиш депоси биноси	"Ғаллақудук" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	300	12 ой	5
35	9	Нотураржой бино	"Ойбулок" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	150	12 ой	3
36	10	Собиқ оталар чойхонаси биноси	"Қузон" МФЙ, Нурафшон кўчаси, 22-уй	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	130	12 ой	5
37	11	Нотураржой бино	"Ёнарқ" МФЙ, Бахт, Барака кўчаси	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	70	12 ой	6
38	12	Бозорча бостирмаси	"Эйвалек" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	60	12 ой	3
Паркент тумани								
39	13	Маиший хизмат ҳаммом биноси ва ер майлони	"Тулобод" МФЙ, Белаут қарғири ҳудуди	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	—	70	12 ой	3
Бўқа тумани								
40	1	Собиқ боғча биноси**	"Олтин" МФЙ, Лисенко қишлоғи	Бўқа тумани ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	300	24 ой	50
41	2	Собиқ қурилиш тугалланмаган боғча биноси**	"Рамодон" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	300	18 ой	30
42	3	Собиқ чойхона биноси	"Қўлдоштепа" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	50	12 ой	4
43	4	Болалар боғчаси**	"Самарқанд" МФЙ, Гулзор кўчаси	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	100	12 ой	4
44	5	Собиқ 48-сонли мактаб филиали **	"Истиқлол" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	400	18 ой	30
45	6	Собиқ гараж биноси	"Бахмал" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	500	18 ой	30
46	7	Қурилиши тугалланмаган бино	"Даштбод" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	200	18 ой	8
47	8	Собиқ "О. Йўлдошев ММТП" бино-иншоотлари	"Янгиобод" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	1000	18 ой	20
48	9	Қурилиши тугалланмаган болалар шифохонаси**	"Янгиқўрғон" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти	1000	18 ой	40
49	10	Собиқ ҳаммом биноси	"Мирзабек" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси	100	12 ой	4
50	11	Қурилиши тугалланмаган боғча биноси**	"Мирзабек" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Болалар боғчаси	200	18 ой	10
51	12	Нотурар бино (собиқ пост биноси)	"Чўлобод" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	50	12 ой	4
52	13	Собиқ "Туркистон ММТП" бино-иншоотлари	"Самарқанд" МФЙ, Тинчлик кўчаси	Бўқа тумани ҳокимлиги	Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти	500	14 ой	10
53	14	Нотураржой бино	"Самарқанд" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	тадбиркорлик фаолияти	100	12 ой	5
54	15	Нотураржой бино	"Қўқорқўйган" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	100	12 ой	5
55	16	Бўш турган нотураржой бино	"Чавласой" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Чорвачиликни ташкил этиш	200	18 ой	10
Пискент тумани								
56	1	Собиқ кутубхона биноси	"Қўлоба" МФЙ, Еттибой кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	300	18 ой	3
57	2	Нотураржой бино	"Қўлоба" МФЙ, Жарқиллоқ кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	500	18 ой	50
58	3	Нотураржой бино	"Долларик" МФЙ	Пискент тумани ҳокимлиги	—	200	18 ой	8
59	4	Нотураржой бино	"Намуна" МФЙ, Янгиобод кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	120	24 ой	3
60	5	Нотураржой бино	"Намуна" МФЙ, Қирққизобод кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	100	18 ой	3
61	6	Нотураржой бино	"Намуна" МФЙ, Наврўз кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	110	18 ой	3
62	7	Эски маҳалла биноси	"Саидобод" МФЙ, Аспир Темур кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	1000	24 ой	50
63	8	Бўш турган собиқ ҳаммом биноси	"Долларик" МФЙ	Пискент тумани ҳокимлиги	—	100	18 ой	3
64	9	Нотураржой бино	"Зоминувул" МФЙ, Пахтакор кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	90	24 ой	3
65	10	Нотураржой бино	"Намуна" МФЙ, Тинчлик кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	200	18 ой	3
66	11	Нотураржой бино	"Намуна" МФЙ, Жалойир қишлоғи	Пискент тумани ҳокимлиги	—	1100	18 ой	4
67	12	Нотурар жой бино	"Саидобод" МФЙ, Олтинов кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	500	18 ой	5
68	13	Нотураржой бино	"Янгиобод" МФЙ, Бирдамлик кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	500	18 ой	30
69	14	Эски ҚВП (амбулатория биноси)	"Намуна" МФЙ, Қирққизобод кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	100	24 ой	10
Олмалик шаҳри								
70	1	Нотураржой бино	"Теракли" МФЙ, Регистон кўчаси	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	—	500	12 ой	10
71	2	Собиқ почта биноси	"Зарбулок" МФЙ, Маърифат кўчаси	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	—	250	12 ой	5
Чирчиқ шаҳри								
72	1	Собиқ жиноий суд биноси	"Мир Алишер" МФЙ, Темир йўлчилар кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш	1000	24 ой	20
73	2	Автобекатдаги дўкон биноси	"Бирлик" МФЙ, А. Навоий кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Хизмат кўрсатиш	100	12 ой	2
74	3	Бўш турган объект	"Мир Алишер" МФЙ	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	300	24 ой	5
Юқори Чирчиқ тумани								
75	1	Собиқ МФЙ идора биноси	"Қурсой" МФЙ, Ошен кўчаси	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	250	12 ой	8
76	2	Собиқ клуб биноси	"Нурли йул" МФЙ, Тўқимбой кўчаси	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	500	12 ой	20
77	3	Нотураржой бино	"Дархан" МФЙ, Интизор кўчаси	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	50	12 ой	10
Ўрта Чирчиқ тумани								
78	1	Амбулатория архиви биноси	"Олтин" МФЙ	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси	450	12 ой	3
Оҳангарон шаҳри								
79	1	Қурилиши тугалланмаган кўп қаватли бино*	Оҳангарон шаҳри, "Янгилик" МФЙ	Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги	Тураржой	4000	12 ой	—
Паркент тумани								
80	1	"Нотураржой биноси"	Паркент тумани, Навоий кўчаси	Тошкент вило. "Бошбеклар ва йўловчи шохбеклар ишлаб чиқариш" ДК	—	60,00	9 ой	3

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича солибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 16 июлдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 10 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 111503, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Паркенттракт кўчаси, 15-уй.

Маълумот учун телефонлар: 0(371) 233-30-56, 231-19-32.

E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gktorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 233-30-56 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Ўрта Чирчиқ туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2009 йилда Хидиралиев Одилбек Эрали ўғлига 11-синфни тамомлагани тўғрисида берилган О'Р-Ш-1028241-рақамли (рўйхат рақами 21) шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Халқимизда: "Отанг маҳалла, онанг маҳалла", деган гап бежиз айтилмаган. Бугунги кунда маҳаллани халқнинг яқин кўмакдоши ва маслакдошига айланиши кўп жиҳатдан унга раҳбарлик қилаётган фуқаролар йиғини раиснинг билими, малакаси, ишбилармонлиги ва, албатта, юсак маънавиятига боғлиқдир. Шу боис, фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ташаббуси билан оқсоқолларнинг билим ва кўникмаси, маънавиятини юксалтириш борасида турли ўқув-семинарлар, учрашув ва савол-жавоб кечалари, маънавий ва маърифий тадбирлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

тиш маҳалла фуқаролар йиғинида меҳнат қилаётган ҳар бир вакилнинг билими, маҳорати ва ташаббусига боғлиқдир.

Тадбирда оила маънавияти, имон ва эътиқод, ота ва фарзанд муносабатлари, осон ва нопок йўл билан топиладиган бойлик ортдан келадиган муаммолар ҳақида ҳикоя қилувчи "Имон" спектакли намойиш қилинди.

Бугунги тадбирдан катта таассуротлар билан қайтмоқдамиз, дейди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Пискент тумани кенгаши раиснинг ўринбосари Ҳ. Аҳмедова. Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар маҳалла фаолларининг ўз ҳудудларида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни тизимли йўлга қўйишларида катта ёрдам беради.

Ўз мухбиримиз

МАЪНАВИЯТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ



Ўзбек Миллий академик драма театри билан ҳамкорликда "Маънавият оиладан бошланади" мавзuida ўтказилган тадбир ҳам ана шундай хайрли мақсадларда ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бир қатор маҳалла фуқаролар йи-

гинлари раислари, маҳалла қошидаги жамоатчилик комиссиялари вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 апрелдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлашда

маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони маҳалла тизимидаги муаммоларга ечим топишда яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу фармон давлат муассасалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

ри ўзаро алоқасини мустаҳкамлашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Дунёнинг бирор-бир давлатида учрамайдиган "Маҳалла – сектор – халқ қабулхонаси – маҳалла" принципи асосида ҳамкорлик тизими яратиб берилди. Бу тизимни самарали ишла-

Кўргазма

ОБЪЕКТИВГА МУҲРАЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Тошкент Фотосуратлар уйида "Мен ва ёшлар иттифоқи" акцияси доирасида ижодий фотография мактаб-студияси битирувчиларининг 26-ҳисобот кўргазмаси очилди. Унда студияда таҳсил олган 12 нафар битирувчининг 140 дан ортқ фотосуратлари намойиш қилинмоқда.



Экспозицияда бетакорор табиат манзаралари, заминимиз неъматлари, тарихимиз, меъморий ёдгорликлар, турли ёшдаги инсонлар портретлари, беғубор болалар, турли жабҳаларда фаолият юритаётган ёшлар, турмуш тарзинининг айрим қирраларидан лавҳалар ўрин олган.

Кўргазмада битирувчиларнинг "Баҳор", "Ҳаёт", "Тоғларда баҳор", "Дарёда кун ботиш", "Эски шаҳар бўйлаб сайр. Бухоро", "Мадраса йўли", "Ибодатхона", "Тунги курантлар", "Хиёбон", шунингдек, Аҳдам Раҳимбоевнинг "Чимён", "Красногорск", "Паркент", Алина Қозиева ва Феруза Назарларнинг Қибрай ва Сўқоқнинг қатор табиат манзаралари акс этган фотосуратлари намойиш этилмоқда.

Фотографиянинг энг сўнгги инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда олинган фотосуратлар муҳлисларга ўзгача таассурот ҳадя қилмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ёз чилласининг жазирасида сув танамизнинг тафтини олади, сув ҳавзаларида чўмилиш ҳовуримизни босади. Шу сабабли, ёзнинг иссиғида нафақат ёшлар, балки катталар ҳам оммавий чўмилиш масканлари ва сузиш ҳавзаларига ошиқдилар.

Келинг, айни дамда оммавий чўмилиш масканларида эътибор бериш зарур бўлган асосий жиҳатларга тўхталиб ўтайлик. Аввало, болалар ёки биринчи марта сувга тушган катта ёшдагиларни сузишга ўргатиш жойининг чуқурлиги 60-90 сантиметргача бўлиши керак. Бундай чуқурликда одам сувдан чўқмайди, оёғи ерга тегиб туради. Оқиб сув ҳавзаларида сузишни ўрганишда, албатта, сувнинг чуқурлиги билан бирга, оқимнинг тезлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Оқим тезлиги дақиқасига 10 метрдан ошмаслиги зарур.

Чўмилиш муддати 5 дақиқадан 25-30 дақиқача давом этиши мумкин, унда боланинг ёши, сузишга тайёрглиги, сувнинг ҳарорати эътибор бериб, сузиш муддати аста-секин ошириб борилади.

Таъкидлаш жоизки, айни ёз мавсумида чўкиш билан боғлиқ ачинарли ҳодисалар учраб туради. Бундай фожиага, асосан, ота-оналар ва катталар назоратни бўшаширишгани, маҳалла, мактаб, коллеж, академик лицей ва бошқа муассасалар ҳодимла-



ЁЗ ҚУВОНЧЛАРИ ТАШВИШГА АЙЛАНМАСИН

рининг ёшлар орасида тушунтириш ишларини изчил олиб боришмаётгани, шунингдек, болаларнинг сузишни билмасликлари сабаб бўлади. Шу боис, эслатиб ўтамизки, фақат кутқарув хизмати бор жойлардагина чўмилишга рухсат этилади. Чўмилиш жойини чеклайдиган, кўпириб оқаётган сувга шўнғиш мумкин эмас.

Айримлар сув ҳавзаларида маст ҳолда келишади. Маълумки, спиртли ичимлик истеъмол қилган одам танасини бошқара олмай қолади. Бундай ҳолатда чўмилишнинг оқибати эса кўпинча фожиали юнун топади.

Жорий йилнинг 9 июнь куни Ўрта Чирчиқ туманилик 19 ёшли Д. А. "Олтиўғил" маҳалласидан оқиб ўтувчи "Ўрта

Эҳтиёт шарт!



Чирчиқ - Оққўрғон" каналида чўмилаётиб, эҳтиётсизлиги оқибатида сувга чўкиб кетган. Экспертиза хулосалари ва таҳлилларга қараганда, сувда чўкиш каби бахтсизлик юз беришига сабаб, аввало, тақиқланган жойларда чўмилиш, сузишни билмаслик ёки мастликдир.

Юқорида таъкидланганидек, чўмилиш пайтида хушёр бўлиш хавфсизлик гаровидир. Шундай экан, чўмилиш ҳавзалари учун белгиланган қоидаларга амал қилиш ҳамда фарзандларимизнинг тақиқланган жойларда чўмилишларини назорат қилиш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлашимиз, асосийси биз, катталар уларга ўрнак бўлишимиз керак.

К. САЛОМОВА тайёрлади

Чоршанба сабоқлари

Бир шогирд узоқ фурсат машҳур рассомнинг кўлида таълим олибди ва касб маҳоратини эгаллаб олгач, устозидан оқ фотиҳа беришни сўрабди.

– Ижозат берсангиз, мен ҳам мустақил иш бошласам, ўрганганларимни амалда татиқ этсам...

Устоз жавоб берибди: – Сен менинг энг яхши шогирдимсан, жуда кўп нарсани ўргандинг. Аммо мустақил иш бошлашингдан олдин сўнгги маслаҳатим бор. Бунинг учун боргин-да, энг яхши расмингни чизиб кел!

Шогирд устозининг олди-дан мамнун ҳолда чиқиб, бор маҳорати билан зўр расм чиқибди. Сўнг уни устозига олиб келибди. Устози расмини кўриб, шогирдига топшириқ берибди:

– Энди шу суратни шаҳарнинг энг гавжум жойига олиб бориб олиб қўй ва ёнига қизил қалам қўйиб, шу сатр-

ларни ёз: "Расмга эътироз борлар қизил қалам билан ўша эътироз ўрнига белги қўйсин!"

Ўз расмининг мукамаллигига шубҳа қилмаган шогирд устозининг айтганини бажарибди ва икки кундан сўнг кўзёш билан қайтиб келибди:

ТАНҚИД ҚИЛИШДАН АВВАЛ...

– Устоз, мендан рассом чиқмайди! Қаранг, энг мукамал деб ҳисоблаган расмин ҳам одамларга ёқмабди. Устоз қараса расмининг ҳамма жойига қизил билан чизиб ташланган, қизил қалам тегмаган жойи йўқ ҳисоби. Шунда шогирдини овутиш учун устоз яна битта топшириқ берибди.

– Энди қизил қаламларни ўчириб ташлагин-да, шу расмини ўша гавжум жойга яна олиб қўй, аммо бу сифар расмининг ёнида қизил қалам эмас, мўйқалам билан ранглар идишини қолдир ва шу сатрларни ёз: "Расмга эътироз борлар мўйқалам билан ўша эътирозни тузатиб қўйсин!"

Шогирд чиқиб кетибди. Бир кун, икки кун, бир ҳафта, бир ой вақт ўтибди. Аммо расмга биронта одам ўзгартириш қиритмабди. Шогирд бунини тушуна олмай турганида устози унга сўнгги маслаҳатини илинибди:


– Қўрдингни! Одамлар шунақа, танқид қилиш сўралса, ҳамма ўзини шу касбнинг мутахассиси ҳисоблайди, аммо тузатишга келганда ҳаммалари жим бўлишади.



Унутма, бирон нарсани танқид қилишдан аввал ўрнига нима бера олишинг мумкинлигини ўйла. Йўқса, танқид қилма!

"Уч нуқта" телеграмми каналидан

даги энг бой ва муҳим аҳамиятга эга бўлган конурда минтақаларидан бири экани ҳам исботланган. Ўрта асрда яшаб ўтган тарихчи, географ олим ва саёҳатчи Ибн Ховал Мовароуннаҳрда, аниқроғи Самарқанд, Бухоро ва Тункетда учта йирик танга-чақа зарбхонаси бўлганини ёзиб қолдирган. Мазкур зарбхоналарда мисдан маҳаллий аҳамиятга молик, халифа ҳокимияти газнаси учун эса олтиндан пуллар зарб қилинган. Илоқнинг тоза қумушдан зарб қилинган танга-чақалари эса чет давлатларда IX асрдаёқ



юсак қийматга эга бўлган. Юрий Буряковнинг бошқа геологлар билан ҳамкорликда олиб борган илмий тадқиқотлари хулосаларига кўра, Илоқнинг энг йирик металл рудалари базаси мамлакатнинг жануоби-шарқий туманларида бўлган. Улар Лашкарак –

қатли юмуш. Аммо, қадимий Илоқ давлатининг ўтмиш тарихи билан боғлиқ сирлар ҳамон фидойи тадқиқотчиларни кутмоқда.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи

Ўтмишдан хангомалар

НИМА БИЛАН УРДИ?

Ўтган асрнинг олтишинчи йилларида вилоят партия кўмиталари иккига – саноат ва қишлоқ хўжалик партия кўмиталарига бўлинган эди.

Вилоятнинг нуфузли идорасига бошини дурра билан боғлаб олган аёл келибди. Эшикбонлар ундан келишининг мақсадини сўрашипти.

– Обқўмга арзим бор, – депти аёл.
– Қайси обқўмга?
– Обқўмга-да!
– Ҳозир иккита обқўм бор: қишлоқ хўжалик обқўми, саноат обқўми. Арзингиз қайси бирига?
Аёл жавоб беролмай ҳайрон бўлибди.
– Нима масалада келганысиз?

– Эрим урди. Шундан шикоят қилиб келдим. Қайси обқўмларинга киришим керак.

Энди эшикбонлар ҳам ўйлабди қилишибди.

– Эрингиз нима билан урди? – сўрабди улардан бири.

– Шолли ўргани кетиб ярим кечаси ширақайф бўлиб келувди, "Ўша ёқда тунаб қолавермабсиз-да" десам, "Э-э", дедию ўроқни иргитиб юборди. Шунда...
– Демак, ўроқ билан экан-да, – дебди эшикбон танга тоғлан қалдай илжайиб. – У ҳолда қишлоқ хўжалик обқўмига қираркансиз, опа...
Мабодо, болга билан урганда саноат обқўмига қирардингиз.

Ҳабиб СИДДИҚ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почталар: thaqiqat@uamail.uz / th-tp@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ